





Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

2011-yil 18-avgust № 100-101 (2982) payshanba

«Биз – бунёдкор халқимиз» танловига



С. ДЕХҚОНОВ олган суратлар



**Танлаган
йўлимиз
тўғри,
юзимиз ёруғ**

4-5-бетлар →



**Риэлторлик
— янги
фаолият
тури**

6-бет →



**Ўйинчоқлар
дунёси**

12-бет →

САХИФАЛАРИМИЗДА



Юрт тинчлиги, Ватан равнақи,

Ҳар соҳада фаол


Самарқанд вилоятида Ватани-миз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларида талаба-ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Бунда Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Самарқанд шаҳрида истиқлол айёми арафасида талабалар ихтиёрига топширилиши режалаштирилган Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали янги биносининг қурилиш ишларида ҳам ёшлар ҳаракатининг йигирмадан зиёд аъзоси қатнашаётир.

Суратда: Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали талабаси, «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати аъзоси Мансур Ҳамидов.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган сурат



Ўтган 20 йил мобайнида мамлакатимизда юз берган юксалишлар ва янги-ланишлар муайян шахслар ёки ҳудудлар, меҳнат жамоалари ҳамда ташкилотлар ҳаётида қандай акс этмоқда?

Янги рукнда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Янги иш ўринлари

самарали иштирок учун юқори балл

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилаётган бошланғич ташкилотлар ўртасидаги кўрик-танловнинг финал босқичига энг муносиб касабакўмлар йўлланма олишди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимида якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини Андижон вилояти Асака туманидаги «Асака ёғ-мой» очик акциядорлик жамиятининг бошланғич ташкилоти қўлга киритди. Мазкур ташкилот ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазаси соҳаларида ходимларнинг муаммосини ҳал этиш, ходимлар учун меҳнат шароити яратиш, кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш йўналишлари бўйича яхши кўрсаткичга эришди. Айниқса, касаба уюшма ташкилотининг янги иш ўринлари ташкил этишдаги иштироки учун энг юқори балл берилди.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши тизимида эса «Қизилқумцемент» очик акциядорлик жамияти касаба уюшма ташкилотига тенг келадигани бўлмади.

— «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови касаба уюшмалари ҳаракатини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, шунингдек, меҳнатқашлар ўртасида ташкилотимизнинг мавқеини янада оширишга хизмат қилади, — дейди тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ўктам Турғунов. — Шунингдек, ушбу тадбирда «Қизилқумцемент» корхонаси билан бирга Тошкент шаҳридаги «Ўзшаҳарсозлик» ЛИТИ ҳамда Тошкент вилоятидаги «Оҳангароншифер» очик акциядорлик жамиятининг касаба уюшма кўмиталари ҳам яхши натижага эришди.

Ўзбекистон авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар ўртасидаги баҳсларда биринчилик «Ўзаэроновиация» маркази бошланғич касаба уюшма кўмитасига насиб этди.

Ғолибларни якуний босқич кутмоқда.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» муҳбири

Сирдарёда ёшлар фестивали

Гулистонда «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида «Ёшлар фестивали» бўлиб ўтди. Унда 25 мингдан зиёд ёшлар фаол иштирок этишди.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ҳеч ким ижтимоий ҳимоядан четда эмас» каби ўндан ортиқ лойиҳа асосидаги тадбирлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Спорт беллашувлари ҳам қизгин кечди.

«Ёшлар фестивали» доирасида уч кун мобайнида элликдан ортиқ акция ва семинарлар, учрашувлар бўлиб ўтди. «Алпомиш» спорт саройида «Мустақиллик авлоди» концерт дастури намойиш қилинди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» муҳбири

Кенгашимиз тизимида 33 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, 12 таси йирик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари ҳудудий касаба уюшмалари ҳисобланади. «Гидромеханизация», «Пахтазавад», «Қишлоққимё» ва «Агрокимётаъминот» корхоналари суянган тоғларимиз. Мазкур корхоналар билан ҳамкорлигимиз кундан-кун мустаҳкамланиб бормоқда.

Яхши кайфият билан

Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан уюштирилган «Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп кўчат — менинг туҳфам» шиори мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзди. Хайрли тадбирда АСМ ходимлари касаба уюшма туман кенгаши ҳам фаоллик кўрсатиб, 1 млн. 122 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Уларга масъул кишилар бириктирилган бўлиб, вақтида сув қуйилиб, бегона ўтлардан тозаланиб турибди. Ниҳоллар ҳозирда гуркираб ўсапти.

Ижтимоий ҳимоялаш касаба уюшмасининг асосий вазифаларидан. Яқинда аъзоларимиздан 10 нафарига сиҳаттоҳга имтиёзли йўлланма ажратдик. Иши яхши юришаётган фермерлар ҳам саховат қўлини чўзиб, яхши ишлаган ходимларнинг 11 нафарига 100 фоизли йўлланма олиб беришди. Қолаверса, тумандаги ногирон, муҳтож ва меҳнат фахрийларига имтиёзли йўлланмалар тарқатилапти. Бундай савобли ишларда Ҳабибулла Йўлдошев ва Миркамол Фуломов каби фермер ҳамда Рустам Тўраев ва Даврон Очилов сингари тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Касаба уюшмаси спорт тадбирлари ҳам доимо бош-қош. Мисол учун, кенгаш қошидаги «Оқ Рух» номли шахмат-шашка клуби фаолияти ташкил этилганига 3 йилдан ошди. Клуб раҳбари Баҳодир Умаровнинг ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги қўл келаётир. 30 га яқин аъзони бирлаштирган клуб турли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, пешқадамлар сафидан жой олмоқда. Клуб касаба уюшма оталиғига олинган бўлиб, тумандаги 2-мактабдан жой ажратиб берилган.

Ўзбек жанг санъати клуби фаолияти ҳақида ҳам илиқ фикр айтиш мумкин. Клуб раҳбари Неъматилла Мирзаев ҳамда мураббий Ботир Темиров ёшларга мазкур спорт сирасорини ўргатиб келаяпти. Яқинда ушбу спорт тури бўйича республика биринчилиги ташкил этилди. Унда туманимиз ёшлари фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Дарвоқе, бизда яхши анъана бор. У ҳам бўлса, аъзоларимизнинг кўнгилли дам олишини таъминлаш мақсадида тез-тез саёҳатлар уюштирамиз. Масалан, Республика «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши билан ҳамкорликда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари Самарқанд вилоятига, коллеж ўқувчи ва ўқитувчилари Тошкент шаҳрига саёҳатга олиб борилди.

Бугун ким билан гаплашманг, кайфияти аъло. Фалла режаси бажарилди, ҳадемай пахта ҳам пишиб етилади. Бу ёғи эса улуғ байрамимиз яқинлашапти. Демак, тадорик ҳам шунга яраша бўлиши керак.

А.НОСИРОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси
Чиноз туман кенгаши раиси

Қадрга муносиб

Қарс икки қўлдан чиқади. Касабакўмнинг ходимлар манфаатини тўла-тўқис ҳимоялаши бевосита раҳбарга ҳам боғлиқ. Яъни ижтимоий шерикчиликда гап кўп. Миришкор туманидаги 1-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси Олия Азизова чорак асрки, ушбу даргоҳда жажжи ўғил-қизлар ҳамда уларнинг тарбиячи опалари дарди билан яшайди.

— Муҳими, машғулот турларини кўпайтиришга катта эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Олия опа. — Ўғил-қизларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий-ҳиссий томонларини ривожлантирадиган «Учинчи минг йилликнинг боласи», «Қадам-бақадам» дастурлари амалга татбиқ этилди. Айниқса, муассасамизга «Жаҳон тараққиёт банки» лойиҳаси асосида сўнги бир йилда ўн миллион сўмликдан зиёд кўргазмаларни келтирилиши зиммамиздаги масъулиятни янада

оширди. Энди бола ўзи хоҳлаган йўналишда ўйин ўйнаши мумкин.

Муассасада 2011-2013 йилларга мўлжаллаб жамоа шартномаси тузилган бўлиб, унда 14 нафар ходимнинг манфаатлари ўз аксини топган.

— Гарчи муассасамиз замонавий жиҳозлар билан бойланган бўлса-да, қўл меҳнати билан ясаладиган ўйинчоқларни кўпайтирмоқчиман. Қўл меҳнати тарбиячиларнинг ижодкорлигини оширади, — дейди опа ҳар хил кўғирчоқларни кўрсатиб.

Дарҳақиқат, боғчада тарбияланган бола уйда ўсган тенгдошига қараганда анча зийрак бўлади. Ҳарфларни танийдиган, ҳатто рус ва инглиз тилларида фикрини баён қиладиган, мухта-сар айтганда, киришимли, жамоатчилик ишларида фаол бўлиб вояга етади. Бу демакки, Олия опадек мактабгача таълим муассасалари жонқуярларининг машаққатли меҳнатлари ёрқин келажагимизга хизмат қилади!

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Халқ фаровонлиги — олий мақсадимиз

Касаба уюшма режаси асосида

Сўлим гўшалардан бири — Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги «Бўстон» сяхатгоҳига чошгоҳдан ўтиб етиб бордик. Дарвозадан киргач, ўнг томонда кенг майсазор узра терилган стол-стулларда гуруҳ-гуруҳ ёшлар машгулотлар билан банд. Компютерлар, камералар, умуман, барча керакли бўлган техник воситалар ёшлар ихтиёрида бўлиб, очик ҳаводаги назарий ва амалий семинарларнинг жонлилигини таъминламоқда.



Билим, малака ва маҳорат

Ҳа, бу ерда электрон оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган ёш журналистлар учун «Навқирон журналистлар» (9-20 август кунлари) машгулотлари ташкил этилган. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ҳудудий нодавлат телерадиоканаллар, «UzNTT» телеканаллари, «Ёшлар телестудиялари»нинг мутасаддилари, теледизайнерлар, мухбирлар ва тасвирчилар иштирок этапти.

— Медиа оромгоҳни таш-

кил этишдан мақсад ёш мутахассисларни ахборот майдонидаги фаолиятини ҳам сифат, ҳам кўлам жиҳатдан оширишдир, — деди Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдухолиқов тадбир иштирокчилари билан учрашувда. — Бунда нодавлат электрон ахборот воситаларининг ролини янада кенгайтириш, юртимизда юз бераётган ўзгаришларни аҳолига тўлақонли етказишда айнан ёшларни жалб этиш жуда муҳим. Тадбирнинг самарали ва қизиқарли ўтиши учун барча ҳозирлик қўрилган. Соҳанинг етук мутахассислари ёшларнинг малакасини оширишда яқиндан ёрдам беради, албатта.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб ке-

линмоқда. Бу борада 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси фаолияти эътиборга молик. Айниқса, нодавлат оммавий ахборот воситалари учун зарур ҳуқуқий, техник, ташкилий шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Республикаимизнинг барча ҳудудидида жамоат телерадиоканаллари энг замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологиялари билан таъминланмоқда.

— Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли олимлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар, ахборот-коммуникация соҳаси мутахассислари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари иштирокида семинар ва учрашувлар ўтка-

зилмоқда, — дейди «UzNTT» телеканали «Худуд» ахборот дастурининг Бухоро вилоятидаги мухбири Учқун Назаров. — Бундан ташқари, амалий машгулотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ёш журналистлар томонидан Чирчиқ шаҳридаги диққатга молик жойлардан тайёрланган лавҳалар шу ернинг ўзиде монтаж қилиниб, иштирокчилар ҳуқуқига ҳавола этилмоқда. Танқидий руҳда ўтган муҳокамаларда уларнинг ютуқ ва камчиликлари айтилиб, таклифлар билдирилди.

Табиат қўйнидаги машгулотлар ёш мутахассисларга янгиликлар тайёрлаш жараёнига катта масъулият, янгича ижодий нигоҳ билан қараш имконини бермоқда. Бу ерда ўзлаштирилаётган билим ва малака келгусида қўл келиши шубҳасиз.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мен бир бахтли кунга тузилдим

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги кенг нишонланадиган йилда мен ҳам 20 ёшимни қаршилайман. Истиқлол тенгдоши эканлигим, ота-онам ҳасрат билан ҳикоя қилувчи қоронғу кунлардан кейин туғилганлигимни ўзим учун улкан бахт деб ҳисоблайман.

Ота-онам мустақиллик бизга эркин қадам ташлаш, ўз йўлини, ўз ҳаётини ўзи танлаш имконини берганлигини кўп гапирди. Уларнинг сўзлари, қолаверса, ўқиган китобларимдан халқимиз истиқлолни қўлга киритиш учун озмунча машаққат чекмаганлигини билиб олдим. Шу боис ҳам биз ёшлар истиқлолнинг қадрига етиб, шукроналар қилишимиз кераклигини тенгдошларимга, эндигина мактаб бўсағасига қадам қўяётган дўстларимга ўқиргим келади. Бугун бизнинг билим, илм олишимиз, касб-хунар эгаллашимиз, иқтидоримизни, истеъдодимизни намоён қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улардан унумли фойдаланиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фонд Форум ташаббуси билан ташкил қилинган «Биз йигирма ёшдамиз» шiori остидаги «Келажак овози» фестивалида иштирок этарканман, қалбимдаги ғурур туйғулари янада кучайганлигини сездим. Бу истиқлол ёшларига эътиборнинг бениҳоя чексизлигидан далолат беради.

Айни пайтда Нукус Давлат педагогика институтининг филология факультетида таҳсил олмоқдаман. Бу ерда барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бўлиб, жумладан, салмоқли китоб захирасига эга бўлган ахборот ресурс маркази, талабалар ётоқхонаси, маънавият маркази, спорт мажмуалари ихтиёримизга бериб қўйилган. Уларнинг барчаси замон талабларига мос равишда жиҳозланган. Филология фанлари доктори, профессор Каримбой Курамбоев, фан номзодлари Комилжон Ташанов, Саъдулла Матёқубов, Эшбой Хўжаниёзов каби устозларимиз билим ва тажрибаларини, вақтларини биздан аямайдилар. Уларнинг ишончи ва меҳнатларини оқлаб, албатта, келгусида етук мутахассис бўлиб етишиш ҳамда ҳаётимизни ватан равнақиға бағишлаш ниятидамиз.

Малоҳат ШОМУРОВА,
Нукус Давлат педагогика
институтининг филология
факультети 2-босқич
талабаси

Чирчиқ шаҳри ҳақида гап кетганда, «Кимёгарлар маскани» ибораси кўп ишлатилади. Бу бежиз эмас. Худудда жойлашган «Максам-Чирчиқ», «Қишлоқмаш» каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари сафида «Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи» ОАЖ ҳам салоҳиятини ошириб бормоқда. Бу йил корхонанинг 70 йиллиги нишонланади.

Кимёгарлар маскани

— Корхонамизда 24 та цех мавжуд бўлиб, улар ҳаво сиқувчи, газ ҳайдовчи, кимё, нефт-газ ҳайдовчи машиналар, махсус асбоб-ускуна ҳамда халқ хўжалиги моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ўткир Мадгазиев. — Ҳозирда 1728 нафар ходим иш билан банд бўлса, уларнинг 80 фоизи ёшлардир. Истиқлол йилларида корхонанинг ишлаб чиқариш суръати кенгайди. Илгари четдан олиб келинадиган асбоблар, зарур ашёлар нафақат ўзимизда ишлаб чиқарилаётди, Россия, Қозоғистон, Беларуссия, Болтиқбўйи давлатлари каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Ходимларнинг хавфсиз меҳнат қилиши учун тўлиқ шароит яратилган. Завод оромгоҳига ҳар ойда дам олиш ташкиллаштирилади. Ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғулланиши учун имконият етарли.

Айни кунда мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда «Ўзкимё-маш заводи»нинг 70 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шаҳар ҳудудиде 10 гектарли боғ яратилиши, кам таъминланган ва ота-она қарамоғисиз болаларга ҳомийлик кўрсатилиши шулар жумласидан.

Наргиза АСАДОВА

«Кўли гулдир ўзбек аёлин»

Бухоро политехника касб-хунар коллежида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан тармоқда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар орасида авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбек халқининг энг яхши миллий анъаналарини тарғиб қилиш, ота-боболардан мерос хунарларни келажак авлодга етказиш учун замин яратиш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш ва юксак маҳорат эгаларини рағбатлантириш мақсадида таълим тизими ходимлари ўртасида «Кўли гулдир ўзбек аёлин» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

Тадбирда 75 нафар хотин-қиз қатнашди. Кўрик-танлов натижаларига кўра Фиждувон туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси иш юритувчиси Шаҳодат Норпўлатова «Энг моҳир чопондўз», Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти магистри Мақсуда Турсунқулова «Энг моҳир каштадўз», Бухоро политехника касб-хунар коллежи котибаси Юлдуз Бердиева «Энг моҳир зардўз», вилоят «Баркамол авлод» маркази тўгарак раҳбари Замира Жўраева «Энг моҳир кулол», Фиждувон туман «Баркамол авлод» маркази тўгарак раҳбари Шаҳноза Асадова «Энг моҳир дўппидўз» номинациялари бўйича голибликка эришдилар. Уларга эс-далиқ совғалари топширилди.

Иззатулла ХОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири



Буюк ва муқаддассан,



Жамоа шартномаларига асосан 382229 нафар ходим узайтирилган ва 56540 нафар ишловчи қўшимча таътилдан фойдаланди. Меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касабга уюшма қўмитасининг розилигини олиш тартиби 8 мингга яқин жамоа шартномаларига киритилиб, 436 мингдан зиёд ходимга татбиқ этилди. Корхона ва ташкилотлар ҳисо-

ва муассасаларда жамоа шартномалари тадбирларини бажарилиши учун ҳар бир ходимга ўртача 58,8 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, 2009 йилда 149,0 минг сўм маблағ сарфланди.

Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш борасида амалий ёрдам сўраб вилоят ҳокимлиги ва прокуратурасига ҳар чорак якунида муро-

уюшма ташкилотлари фаоллиги таъминланди.

Шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорига асосан 2010 йилда вилоят бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналадиган фуқаролар учун 669 та корхонада 5410 та иш ўрни банд қилинган. 2008-2009 ўқув йилида 24486 нафар коллеж битирувчисининг ишга жойлашишида амалий

Танлаган йўлимиз тўғри,

ёхуд касабга уюшмалари

Истиқлол туфайли Андижон вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз кўрсатди. Янги корхоналар ишга туширилиб, коллеж ва мактаблар қурилди, қайта таъмирланди. Тиббиёт муассасалари, савдо-маиший хизмат объектлари ишга туширилди. Президентимизнинг «Андижон вилояти тураржой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг бу эзгу ташаббус янада кенг қулоқ ёймоқда.

Касабга уюшмалари ҳам бундай хайрли ишларга муносиб улуш қўшиб келмоқда. Бугун вилоят касабга уюшма ташкилотлари Бирлашмаси тизимида 9 та вилоят тармоқ кенгаши, 64 та шаҳар, туман кенгашлари ва бирлашган қўмиталари, 4 та бирлашган бошланғич касабга уюшма қўмитаси, 3522 та бошланғич

ташкилот бўлиб, уларга 583891 нафар аъзо бирлашган.

Кейинги тўрт ярим йил давомида вилоятда 2696 та бошланғич ташкилот янгидан тузилиб, 77450 нафар ходим касабга уюшма сафига қабул қилинди.

Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали эса меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикликка, яъни иш берувчилар ва ходимлар вакилларининг ўзаро ҳамкорлигига эътибор янада кучайтирилди.

Рақамларга мурожаат қилсак, 1991 йилда вилоят бўйича корхона ва ташкилотларда 523 та жамоа шартномаси тузилган бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йил бошига келиб 7966 тага етди. Бошқача айтганда, халқ хўжалиги тармоқларида ишловчи ходимларни жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олишда 15,2 баробар ўсишга эришилди.

бидан 257,0 млн. сўм сарфланиб, 1711 нафар ходим оила аъзолари билан соғломлаштирилди.

Вилоят ҳокимлиги ва касабга уюшма ташкилотлари Бирлашмаси ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш бўйича 2009-2011 йиллар учун ҳамкорлик Келишуви имзоланиб, амалиётга киритилди.

Корхона ва ташкилотларда жамоа шартномаларига ходимлар учун бир қанча имтиёзлар киритилиб, уларнинг амалда бажарилишини таъминлаш юзасидан қатъий назорат олиб борилмоқда.

2005 йилда 6290 та жамоа шартномаси тузилган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилга келиб 8053 тага етди. Вилоят бўйича 2005 йилда корхона, ташкилот

жаат этилмоқда. 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят бўйича иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2010 йилнинг 1 январига нисбатан 587365,4 минг сўмга камайди. Вилоят ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати тармоғига қарашли корхона-ташкилотлардаги иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликлар тўлиқ бартараф этилди. Агрисаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгашида эса иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2010 йилнинг 1 январига нисбатан 405200 минг сўмга қисқартирилди.

Янги иш ўринлари яратиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш ҳам касабга уюшмалари олдидаги муҳим вазифа саналади. 2009 йилда вилоятда 107 та бўш иш ўринлари ярмаркасини ташкил этишда касабга

ёрдам кўрсатилди. 2009-2010 ўқув йилида эса 33544 нафар битирувчидан 26947 нафари ёки 80,3 фоизи ишга жойлаштирилиб, меҳнат дафтарчаси билан таъминланди.

Вилоят бирлашмаси ва барча тармоқда тузилган Ёшлар кенгашларида низом ҳамда иш режа асосида иш олиб борилмоқда. Кенгаш фаоллари ёшларни касабга уюшмалари сафига жалб қилиш бўйича жойларда учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказаяпти.

Жамоа шартномаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш «Битими»да белгиланган чора-тадбирларга маблағлар ажратилаётти. Жумладан, 2005-2010 йилларда бунга 21 млрд. 72 млн. 717 минг 400 сўм сарфланган. Ҳар йили ажратилаёт-

Бахтли келажак сари

Мактабда ўқийётган пайтимиз битирувчиларни касбга йўналтириш мақсадида «Келажакда мен танлаган касб» мавзусида иншоолар танлови, лицей ва касб-хўнара коллежларида «Очиқ эшиклар кун» ҳамда «Касблар фестиваллари»ни ўтказилгани қизиқишимизга мос билим даргоҳини танлашимизда қўл келди.


«Очиқ эшиклар кун»лари Андижон шаҳридаги Маиший хизмат, Компютер технологиялари, Кичик ва ўрта бизнес, Педагогика коллежлари ҳамда академик лицейларнинг шарт-шароити, тайёрлов йўналишлари билан танишдик. Фанлар бўйича «Билимлар синови» ҳам бизга яхши кўмак берди.

Ота-онамга келажакда кимё фани ўқитувчиси бўлмоқчи эканимни, бунинг учун Андижон давлат университети қошидаги 3-академик лицейда ўқишни давом эттиришга қарор қилганимни айтдим. Сўнг мазкур лицейнинг табиий фанлар йўналишига ҳужжат топширдим.

Тест синовларига пухта тайёргарлик кўриб, устозларим ва ота-онамнинг ишончини оқладим.

Ватанимга фойда келтирадиган инсон бўлиб етишиш — энг катта орзуим. Бунинг учун фақат пухта илм эгаллаб, олдимга қўйган мақсад сари дадил интилишим талаб қилинади. Замон талаблари даражасида билим олишимиз учун давлатимиз томонидан барча имконият яратилганлиги ўз кучимга ишонч уйғотмоқда.

Ойдин **ФОЗИЛЖОНОВА**, Андижон Давлат Университети қошидаги 3-академик лицейи 1-босқич ўқувчиси



Ҳар бир маҳаллада тоза ичимлик суви

Вилоятимизда кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурига киритилган иншоотларда иш қизғин. Айни пайтда 70 га яқин маҳалла ҳудудида янги сув тармоқлари қуриш, қудуқлар қовлаш ва эскиларини реконструкция қилиш юмушлари олиб борилаёпти.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамида вилоят бўйича 83 километр сув тармоғи ишга тушади. Ҳозирда янги 24 та қудуқ қовланди. Шу мақсад учун давлат томонидан 5,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Улар битгач, юз мингга яқин фуқаро тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Шу кунгача 30 километр узунликдаги сув тармоғи фойдаланишга топширилди. Яна ўнлаб иншоотларда сўнгги ишлар амалга ошириляпти. Урта қудуқ реконструкция қилиниб, 9 та янгиси қурилди.

Жумладан, Жалақудуқ туманидаги Жанубий Оламушук шаҳарчаси Итифок маҳалласида қудуқ қовлашиб, тайёрлаб қўйилди. Ҳозир бу ерда 2500 метрли тармоқ қурилиши давом этаёпти. Пахтаобод туманининг Курама, Шаҳрихон туманининг Терактаги, Булоқбоши тумани Сарвонтепа маҳаллаларида сув тармоқлари битказилди.

Андижон туманининг Истиқлол маҳалласи аҳлини ичимлик суви билан таъминлаш учун давлатимиз томонидан 144 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

«Кўхнур мадад ҳамроҳ» масъ-

уляти чекланган жамиятининг ишчилари 3900 метрли масофага қувур ётқизишни ниҳоясига етказишяпти. «Ҳожиакбар қурилиш люкс» хусусий корхонаси эса Булоқбоши туманидаги Навоий маҳалласида 2600 метрли тармоқни тугалляпти. Улуғнор туманининг Мингбулоқ қишлоғидаги Теракзор маҳалласида битта қудуқ қовлашиб, 2,5 километр масофага қувур ётқизиш якунланиб қолди.

Минглаб хонадонларга оби ҳаёт кириб келиши сув қурилиши корхоналари ишчи-ходимларининг энг улуғ байрамимизга ўзига хос совғаси бўлади.

Алишер **АКБАРОВ**, Андижон вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси бошлиғи

мустақил Ватан!

ган маблағлар сезиларли даражада ошиб борган.

Корхона-ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилиш хоналари ташкил этилиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат тилидаги услубий қўлланмалар, плакат ва тегишли кўргазмали қуроллар билан таъминланди. Ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги билимини ошириш

ётоқхона биноси қурилди. Маъмурий бино, тиббиёт хонаси, ошхона ҳамда 60 ўринли ётоқхона тўла реконструкция қилинди. Оромгоҳнинг 1800 м.дан зиёд худуди девор билан ўралиб, моддий-техник базаси, қаттиқ-юмшоқ инвентарлар, ошхона анжомлари янгиланди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида касаба уюшмалари ташкilotлари томонидан «Ши-

2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган ёш оналарнинг 223 нафарига 6525 минг сўм сарфланиб, туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари кунини узайтириш мақсадида 107 нафар аёлга 9300 минг сўм ажратилди. Олий ўқув юртларида тахсил олаётган 108 нафар талаба контракт пулларини қисман қоплаш учун 56,2 млн. сўм йўналтирилди.

Шу йилнинг олти ойида вилоятда 112 та янги бошланғич ташкilot тузилди. Улардан 76 таси цех ташкilotи бўлиб, 1450 нафар ишловчи касаба уюшма аъзолигига жалб этилди.

Вилоят касаба уюшма ташкilotлари Бирлашмаси томонидан ишловчиларни ҳуқуқий ҳимоялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг шу кунига қадар вилоят Бирлашмасига тушган 58 та ёзма ва оғзаки мурожаат ўрганилиб, 6 нафар ходим ишга тикланди ва турли тўловлари ундириб берилди. 16 нафар фуқарога моддий ёрдам берилди, қолганларга тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшма ташкilotлари Бирлашмаси бундан кейин ҳам асосий эътиборни меҳнаткашларни иқтисодий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилишга қаратиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади.

Қодиржон ПАРПИЕВ,
Андижон вилояти касаба уюшма ташкilotлари Бирлашмаси раиси

ЮЗИМИЗ ЁРУҒ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

мақсадида ҳар йили касаба уюшмалари томонидан ўқув-семинарлар ўтказилади.

Вилоят касаба уюшмалари ташкilotлари Бирлашмаси меҳнаткашларни соғломлаштириш ва дам олдиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бирлашма ва барча кўйи касаба уюшмалари ташкilotларида ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Маънавият кўни» деб эълон қилиниб, «Маънавият соати» машғулоти мунтазам ўтказиб келинмоқда.

2008 йилда бирлашма тасарруфига ўтказилган «Боғишамол» болалар оромгоҳида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг молиявий кўмаги билан қарийб 1 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, 240 ўринли янги

фокор», «Сўлим» ва «Энергетик» оромгоҳларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, уларнинг моддий-техника базаси яхшиланди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига асосан жорий йилнинг беш ойи давомида 134 корхона ва ташкilotдаги боқувчисини йўқотган 165 оила фарзандлари учун дарслик ва ўқув қуроллари харид қилишга 2221,7 минг сўм ажратилди. Кам таъминланган оилаларнинг 2148 нафарига 181,2 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, 22 нафар янги оила қурган ёшга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 956 млн. сўмлик фойзсиз ссуда маблағлари ҳал этилди.

Гулла, яшна, ҳур Андижоним!...

Бугун Андижон том маънода улкан қурилиш майдонига айланган. Вилоятнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик, ободонлаштириш ва яратувчанлик давом этмоқда. Кўча ва маҳаллалар янада файзга тўлган.

Туманларда «Андижонни кўркам ва обод гўшага айлантирайлик!» шиори остидаги кўриктанлов ва байрам дастурлари ўтказилапти. Энг асосийси, андижонликларда эртанги кунга ишонч, фахр ва шукроналик ҳукмрон.

«Ўзбекистон» шохўчасидаги замонавий уйлар, савдо ва маиший хизмат объектларини кўриб, халқимизнинг бунёдкорлигига яна бир қарра амин бўласиз. Ҳозирда кўчанинг давомида қурувчилар ва талабалар қурилиш отрядлари эртаю кеч жонбозлик кўрсатаётди.

Президентимизнинг «Андижон вилояти тураржой массивларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг улкан бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди.

Жорий йилнинг 21 январидеги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши натижасида вилоятда биринчи ярим йилликда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари ва макроеқтисодий мувозанат таъминланди.

Вилоятда олти ойлик яқунларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 11, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 8,2, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотла-

ри етиштириш ҳажми 8, экспорт 171,9 фоизни ташкил этди. Ички талабни рағбатлантиришга доир амалга оширилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 3,1, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш — 8,6, чакана товар айланмаси — 13,8 фоизга ўсишига кўмаклашди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Ҳисобот даврида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши 100,8 фоизни ташкил этиб, 13,9 млн. долларлик хорижий инвестициялар, жумладан, 10,2 млн. доллар микдоридеги тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди. 225 та янги ишлаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди.

Ушбу муддатда вилоят бўйича 338,8 минг. кв.м уй-жой, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 53,7 минг кв.м бўлган 380 та уй-жой фойдаланишга топширилди. 15 км. умумфойдаланиш йўллари ва 25,1 км. ички йўللари қуриш ишлари тугалланди.


Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 43,9 мингта (прогнозга нисбатан 111 фоиз) иш

ўрни яратилди. Кичик бизнес соҳасида 31 минг 542 та иш ўрни очилди.

Вилоятда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес соҳасида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, бунинг учун тижорат банклари томонидан 130 млрд. сўм кредит берилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи худудий маҳсулотда кичик бизнес улуши 2010 йилнинг шу давридаги 41,6 ўрнига 45,9 фоизни, четга экспорт қилиш 41 млн. долларни ташкил қилди.

Хулоса қилиб айтганда, яқин келажақда Андижон таниб бўлмас қиёфага кириб, юртимизнинг янада гўзал ва обод масканига айланади.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири



«GM-Uzbekistan» — Ўзбекистон ифтихори!

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида жамоамизда кўтаринки руҳ ҳукмрон. Яқинда корхонамизнинг 15 йиллик тўйини нишонладик. Истиқлолимизнинг бешинчи йилидаёқ юқори технология асосида барпо этилган ушбу замонавий қўшма корхона дунёда янги автомобил ишлаб чиқарувчи мамлакат пайдо бўлганини маълум қилди.

Президентимиз ташаббуси билан асос солинган корхона иқтисодий-иқтисодий мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилди. У янги гоёлар, инновацион ечимлар генератори вази-фасини ўтаб, янги автомобил саноатини яратишдек стратегик вази-фани ҳаётга татбиқ этишга бутун мамлакатни сафарбар этди.

Жаҳон амалиётидан маълумки, автомобил саноатида яратилган битта иш ўрни турдош соҳаларда камида еттита иш ўрни ташкил этилишини таъминлайди. Бу жараён ишчилар сонини кўпайтирибгина қолмай, қишлоқ ёшларини билимли ва малакали замонавий касб эгаларига айлантиради. Локализация дастурлари асосида вилоятда 100 дан ортиқ эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этилиб, минглаб янги иш ўринлари вужудга келгани бунга яққол мисолдир.

Ўтган даврда Асака автомобил заводида 1,5 млн. замонавий автомобил ишлаб чиқарилди ва сотилди. Чунончи, 1996 йилда 25 мингта машина ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 218 мингтага етказилди. Жорий йилда эса 225 минг донa автомобил ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимиз автомобил индустрияси ташқи бозорда ҳам мавқеини изчил мустақамлаб бормоқда. Бугунги кунга келиб ўзбек автомобилсозлиги Ҳамдўстлик давлатларида 250 дан зиёд диллерлик тармоғига эга. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомашиналар биргина Россиянинг 100 та шаҳрида сотилмоқда. 2010 йил Озарбайжонда ҳам диллерлик пунктимиз очилди. 2011 йилда эса Масалли ва Ленкоран шаҳарларида шу каби марказлар ишга туширилиши режалаштирилган. Туркменистоннинг Тошхувуз ва Туркманобод шаҳарларида диллерлик тармоғи ишлаб турган бўлса, қўшимча равишда Туркманбоши ва Болқонабад шаҳарларида ҳам савдо йўлга қўйилган.

Умуман олганда, «GM-Uzbekistan» маҳсулотини ўндан ортиқ мамлакатга экспорт қилмоқда. МДҲ мамлакатлари аҳолиси унинг асосий харидорлари бўлмоқда. Жумладан, 2010 йилда Россияда сотув ҳажми 45 фоизга ортди, яъни ушбу давлатга 74 мингдан зиёд «Нексия» ва «Матиз» русумидаги машиналар экспорт қилинди. Қувонарлиси, ўзбек машиналари ушбу юртда сотиладиган хориж машиналари ичида энг харидор-гир 10 автомобил қаторидан жой эгаллаган.

Бошқа бозорларда ҳам сотув ҳажмини ошириш юзасидан мунтазам иш олиб борилмоқда. Натижада, Асака автомобиллари ўтган йили Қозоғистонда 2009 йилга нисбатан икки баробар кўп харид қилинган. 2010 йилда Украинада ҳам сотув ҳажми 20 фоизга ортган.

Нуфузли кўриктанловларда бизнинг автомобиллар совринли ўринларни эгалламоқда. «Россияда йил автомобили» кўриктанловида «Шевроле Спарк» автомашинаси «Шаҳар автомобиллари» номинациясида голиб деб топилди. Россия Иқтисодий ривожлантириш вази-рлиги матбуот хизматининг хабарига кўра, Россияга автомобил экспорт қилувчи мамлакатлар орасида Ўзбекистон Япония ва Германиядан сўнг учинчи ўринни эгаллаган.

Албатта, эришилган муваффақиятларда корхонамиз ишчи-ходимлари, муҳандис-технологлар, дастурчилар ва ҳамкорларимизнинг муносиб улуши бор. 6850 нафар касаба уюшма аъзосини сафига бирлаштирган касаба уюшма кўмитамиз томонидан ишчи-ходимларга муносиб иш ва дам олиш шароити яратиш мақсадида корхона маъмурияти билан ҳамкорликда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йилги мавсумда ишчи ва ходимларнинг 1045 нафар фарзанди «Ёш автомобилчи», «Сўлим», «Радуга», «Боғишамол», «Шифокор» сингари оромгоҳларда дам олдирилди. Уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилди.

Мустақил юртимиз иқтисодининг асосий таянчларидан бири бўлган ўзбек автомобилсозлиги келажақда улкан марраларни кўзлаган. Ўзбек автомобилларининг жаҳон йўлларида доимо олдинда бориши учун барча имконият ишга солинмоқда.

Мирфозил ОЛИМОВ,
«GM-Uzbekistan» қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Мустақиллигимизнинг илк йилларида давлат томонидан уй-жой фондининг фуқароларга мулк сифатида ажратиб берилиши кўчмас мулк бозорини вужудга келтирди. 2010 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги қарори билан тасдиқланган Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом бу борада ҳуқуқий муносабатларни изчил тартибга солди.



Риэлторлик — янги фаолият тури

Риэлторлик юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти бўлиб, ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилади. Риэлтор — малака сертификати, ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисига ва лицензияга эга бўлган, яқка тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахс ҳисобланади. Риэлторлик ташкилоти штатида малака сертификати эга бўлган камида икки нафар ходим, жумладан, ташкилотнинг раҳбари бўлиши керак.

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғида риэлторлик ташкилоти воситачилик хизмати кўрсатади. Бунда у мазкур битимларнинг бевосита тарафи бўлиши мумкин эмас.

Ўртимизда биринчилардан бўлиб «Ko'chmas mulk

savdo xizmati» МЧЖ риэлторлик хизматларининг барча турлари бўйича фаолият кўрсатиш учун Давлат мулк қўмитасининг лицензиясига эга бўлди. Ташкилотимизнинг асосий мақсади мамлакатимиз кўчмас мулк бозорида риэлторлик фаолиятини йўлга қўйиш, ривожлантириш, ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишлардан аҳолини хабардор қилиш ва уларга кўплаб қулайликлар яратиш, сифатли хизмат кўрсатишдан иборат.

Айни пайтда жамият кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари, кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш чоғида воситачилик қиладиган, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқаришни амалга оширадиган, кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар савдосини ташкил этадиган риэлторлик хизматлари кўрсатишни бошлаб юборди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида филиалларимиз иш олиб бормоқда. Барчасида аҳоли-

га давр талаби даражасида сифатли хизмат кўрсатиш, замонавий ва марказлаштирилган савдо тизимидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу борада савдоларда тенг ҳуқуқли шароитларни яратиш, уй-жой савдо маданиятини ошириш, савдода иштирок этаётганларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор берамиз. Энг муҳими, нафақат жамият, барча филиалларда янги иш ўринлари очилиб, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга эришилмоқда.

Эътироф этиш керакки, жамиятимизда мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида банк филиали, баҳоловчи ташкилот, суғурта компанияси ва нотариал идоралар фаолият юритмоқда. Буларнинг барчаси жадал давом этаётган изчил ислохотларнинг муваффақиятли қадамларидан бўлиб, юрт равнақи, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладди.

Музаффар КАРИМОВ,
«Ko'chmas mulk savdo xizmati»
МЧЖ агенти



Завод директори «бошқа ердан ўзинга муносиб иш топ», деб оғзаки огоҳлантирди. Шу тўғрими?

Нигора ПЎЛАТОВА,
Поп тумани

Иш берувчи ходимни бу тўғрида фақат ёзма шаклда огоҳлантириши талаб этилади (МКнинг 102-модда 1-қисм).



Корхонамиз раҳбарининг ўринбосари мен билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш хатига имзо чекди? Унинг шундай ҳуқуқи борми?

Рустамжон ХОЛИҚОВ,
Наманган шаҳри

МКнинг 102-модда 1-қисмига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги огоҳлантириш хати ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс (иш берувчи) томонидан имзоланиши керак.



Ходимга нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш тартиби нималардан иборат?

Сайёра ҚОДИРОВА,
Уйчи тумани

Ўз меҳнат вазифасини бузган ходимга интизомий жазо чораси қўллаш талаблари қуйидагилардан иборат:

- ходимдан ноҳўя ҳаракати юзасидан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши;
- интизомий жазо чораси ноҳўя ҳаракат аниқлангандан бошлаб бир ой давомида қўлланиши;
- ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан қўлланилиши;
- интизомий жазо берилгани ҳақидаги буйруқ ходимга имзо қўйдириб таништирилиши.



Қандай ноҳўя ҳаракатлар ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузиш, деб ҳисобланади?

Намуна ХОЛБОЕВА,
Чуст тумани

Меҳнат кодексига қандай ҳолатлар меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузиш деб ҳисобланиши кўрсатилмаган. МКнинг 100-модда иккинчи қисм 4-бандига кўра меҳнат вазифасини қўпол равишда бузишларнинг руйхати:

- ички меҳнат тартиби қоидаларида;
- корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномасида;
- айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставларда белгилаб қўйилади.



Бошланғич касаба уюшма ташкилотига раҳбарлик қиламан. Яқинда икки нафар ходимимиз ишдан бўшатилади. Аммо қўмитамизнинг розилиги олинмади. Бу ҳақда раҳбарга эътирозимни билдирсам, инobatга олмапти? Қандай йўл тутсам, аъзоларимнинг манфаатини тўғри ҳимоялаган бўлардим?

Малоҳат ЭРКАБОЕВА,
Наманган шаҳри

Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиш белгиланиши мумкин. Мазкур ҳужжатга айни шу талабларни кирита олган бўлсангиз, устунлик сиз тарафда. Чунки бундай ҳолатда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинишидан аввал касаба уюшма қўмитасининг розилиги олиниши мажбурий ҳисобланади.

- Розилик олишда қуйидаги тартибларга риоя қилиш лозим:
- меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ҳақида касаба уюшма қўмитасига қилинган муносабат ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан (имзоси билан) берилган бўлиши;
 - ишдан бўшатишга розилик айнан касаба уюшма қўмитаси томонидан берилиши;
 - касаба уюшма қўмитаси йиғилишида кворум бўлиши;
 - касаба уюшма қўмитасининг йиғилишига ишдан бўшатилиши муҳокама қилинадиган ходим таклиф қилиниши;
 - розилик меҳнат шартномаси бекор қилинишидан олдин берилиши.



Касаба уюшма қўмитасига сайланган ходимларга қандай кафолатлар белгиланган?

Эркин ТОЖИЕВ,
Чортоқ тумани

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшма қўмитасига сайланган ходимларга интизомий жазо қўллашга, шунингдек, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга ҳамда уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг икки йил давомида маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга маҳаллий меҳнат органининг розилигини олиш талаб этилади.

Асосий ишидан озод этилган ҳолда касаба уюшма қўмитасига сайланган ходимларнинг сайлов ваколати тугаганидан кейин уларга аввалги иши, бундай иш бўлмаса, аввалгисига тенг бошқа иш берилади (МКнинг 25-моддаси).

Муштарийларнинг саволларига Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши ҳуқуқшуноси Воҳидхон МАМАДЖОНОВ жавоб берди.

Тадбиркор пенсия оладими?

Юридик шахс бўлмасдан туриб тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқароларни давлат томонидан ижтимоий суғурталаш ҳамда уларга пенсия ва нафақалар тайинлаш бўйича мамлакатимизда қонуний тизим ишлаб чиқилган. Уларнинг меҳнат стажига ва даромадини ҳисоблаб чиқиш тартиби белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сонли қарорига асосан, бундай тадбиркор давлат солиқ хизмати органларида ҳисобдан ўтиш билан бир пайтда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадал тўловчи сифатида ижтимоий суғурталанадиган шахсга айланади.

Тадбиркор зарур суғурта бадаллари тўлаб боради ҳамда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, бола туғилганда суюнчи пули, фуқаро вафот этганда дафн маросими учун нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тайинланадиган пенсия миқдори бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадаллари миқдорига ҳамда тадбиркорнинг меҳнат стажига боғлиқ ҳолда белгиланади. Бунда бадалнинг миқдори ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахс, шунингдек, 1 ва 2-гурӯх ногирони учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизини ташкил этиши керак.

Бадаллар тўлиқ ва вақтида тўланса, пенсия ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинланиши учун меҳнат стажини ҳисоблаб чиқишда, стажга

календар йил кўшилади.

Айтайлик, тадбиркор жорий йилда ҳар ойда 100 000 сўмдан суғурта бадални тўлаган. У август ойида 60 ёшга тўлади, иш стажига эса 30 йилни ташкил этади. Бу ҳолда унинг пенсия миқдори қуйидагича аниқланади:

Ўртача иш ҳақи 338983,05 сўмни ташкил этади. Амалдаги пенсия қонунига асосан ёшга доир пенсия қуйидагича ҳисобланади: эркакларга ёшга доир тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этилган 25 йил стажига ўртача иш ҳақидан 55 фоиз олинади, яъни 186440,68 сўм ва ортиқча 5 йил стаж учун ҳар бир йилга 1 фоиздан, яъни 16949,15 сўм. Демак, тадбиркорнинг пенсия миқдори 203389,83 сўмни ташкил этади.

Х. МАХМУДОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Мирзо Улуғбек туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи.
Ж. ПАРДАЕВ,
Пенсия ва нафақалар тайинлаш 1-тоифали мутахассиси

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Зиёда ўзига тўқ оилада улғайди. Раҳматжон ака билан Пўлатжон ая беш фарзандни оқ ювиб-оқ тараб катта қилишди, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишларига кўмаклашди. Тўнғич ўғил ғижжакни эшиб чалганида, мудраб ётган орзулар ҳам кўз очарди. Ота айниқса, Зиёда қизини бўлакча яхши кўрар, исмини ҳам бахти-тахти зиёда бўлсин, деб кўйганди. Назарида қизалоқнинг феъл-атвори ўзига ўхшар, сўзамоллиги, мустақиллиги, ташкилотчилиги боис бошқа болаларнинг етакчисига айланиб олганди. Мактабга борадиган ёшга етганда, «рус синфида ўқийман» деб туриб олди. Эркатой қизнинг раўйига қарамай бўлармиди, русийзабон болалар билан саккиз йил ўқиди. «Савдо техникумига кирман, деганида ота-она яна унинг кўнглига қарашди. Талабаликнинг завқи-сурури билан уч йил ўтганини ҳам сезмади.

1970 йилларда Тошкент Бош универмаги пойтахтнинг энг олд савдо марказларидан саналар, харидорлар кўплигидан сотувчиларнинг кўли-кўлига тегмас, улар орасида Зиёда ҳам бор эди. Айниқса, хорижий давлатлар моллари келганда...

Қизгина ўшандай катта қозонда қайнади. Гул-гул яшнаган ёшлик фасли ана шу даргоҳда кечди. Ўша кезлари қалби орзу ва умидлар билан лиммолим тўлиқ бўлиб, кийган либосининг ярашганидан суюнар, ҳар кун, ҳар тон-

гда олам-олам қувонч туйиб яшар, назарида бу дамлар абадийдек, сира туганмасдек туюларди. Шу ўртада Тошкент Халқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факултетида сирдан ўқиб олди.

Дугонаси Надежданинг тўйида бахтини учратди. Кўркамгина куёвжўра бир кур назар солганида, дили ёқимли ҳисни тўйди. Лекин излагани шу эканини ҳали билмасди. Тўйдан сўнг Надежда бир куни уйига чорлади. Дугоналар гурунги

лайди. Рустам ва Саодатнинг ўғли Жаҳонгир эса бобо-буви ардоғида улғаймоқда.

— Яратганга бир қилигим ёққандирки, тўлатўкис, бахтли ҳаёт кечирмоқдаман, — дейди Зиёда. — Агар инсон тўрт мучали соғ бўлса-ю, «бахтсизман» деб нолиса, билинги, у калтабин, ношуд ва ношукурдир. Фарзандларимга, кўмак сўраб келганларга ҳамини шундай дейман.

Айтганча, Зиёда 2000 йилдан бери пойтахтдаги

ҳамедов ўз аризасига кўра ишдан бўшаганлигини, лекин меҳнат дафтарчасини ололмаётганини баён этиб ариза ёзганди, унинг талаби қаноатлантирилди.

Кенгаш таркибида 6242 нафар аъзо бўлиб, уларнинг манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари жамоа шартномаларида тўла кафолатланган. Масалан, ўтган йил 27 киши республикадаги турли сихатгоҳларда саломатлигини тиклади. Митрофанов сув ҳавзасида талай аъзолар вақтини кўнглили

бир қисми касабга уюшма ҳисобидан қопланиши кўзда тутилган. Шунингдек, кичик бизнес ва тadbиркорлик субъектлари ходимлари имтиёзли тарзда соғломлаштирилади. Ушбу соҳа ходимлари фарзандларидан 40 нафарининг болалар оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун йўлланмалар ажратилди. Бунинг учун касабга уюшма маблагидан 1457,9 минг сўм сарф бўлди. Митрофанов сув ҳавзасига 203 нафар аъзо учун чипталар тарқатилди. Кўпгина ишчи-ҳодимлар Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлардаги муқаддас қадамжоларга бориб, зиёрат қилиб қайтди. «Наврўз» байрами муносабати билан аъзолар учун Муқимий номли, Миллий, рус ва оперетта театрларига 557 та чипта олинди. 160 киши «Мевазор» дам олиш масканида кўнглили ҳордиқ чиқарди. Бундан ташқари, ишчи-ҳодимларнинг спортга бўлган қизиқишларидан келиб чиқиб, мунтазам равишда мусобақалар ташкил этилаётир.

Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари доимо эътиборда. Корхоналарда ишнинг ташкиллаштирилиши бевосита касабга уюшма назоратига олинган бўлиб, ҳар жиҳатдан уларга кўмаклашилмоқда. Масалан, июн ойида «Ўзгаришагротаъминот» МЧЖ ҳамда «Самарқанд» МЧЖларида бўлиб ўтган суҳбатнинг самараси ёмон бўлмади.

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги бутун Ўзбекистон аҳли қатори бизнинг ҳам қалбимизга олам-олам сурур солаётир, — дейди З.Раҳимова, — Тармоқ тасарруфидидаги барча корхоналарда, ташкилотларда улғу байрамни муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада биз ҳам четда қараб турганимиз йўқ. Аминманки, эртанги кунимиз бугундан-да, порлоқ бўлади.

Шарофат
НОРКУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Зиёда

кўр олиб, кўнгли сандиқлари-да очилди.

— Тўйда сендан кўз узмай ўтирган анув йигит эсингдами?

— Қайси йигит, куёвжўрами?

— Ҳа, ўша. У эримнинг энг яқин дўсти Мурод. Таништириб кўяйми?

— Билмасам, — кулди Зиёда.

Бироқ таклифга мойиллиги шундоққина юз-кўзидан сезилиб турарди. Тақдир деганлари шу бўлса керак-да, юлдузлари-юлдузларига тўғри келиб, тўйлари бўлди. Бу 1975 йилнинг 31 августи эди. Шунга ҳам 36 йил бўлибди. Ўтган йиллар мобайнида умр йўлдоши билан бахтли яшашди. Зиёда, ботиний маданиятли Мурод ака рафиқасини чин юракдан севар уни тушунар, қизиқишлари ва истаклари билан ҳисоблашар, ҳаётнинг барча синовларида елкадош бўларди. Шунинг учун ҳам аҳил оилада ўсган уч нафар фарзанд ўзлари сингари меҳр-оқибатли инсонлар бўлиб вояга етишди. Айни чоғда ўғли Рустам, келини Саодат, қизи Шахло, куёви Беҳзод шароит тақозосига кўра, хорижий мамлакатларда хизмат қилишмоқда. Кичик қизи Севара «Биллайн» компаниясида иш-

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмасининг Шайхонтохур туман кенгаши раиси.

— Касабга уюшма тизимига ўтиб, унинг ўзига эзгуликни шиор қилган ташкилот эканлигига амин бўлдим, — дейди у. — Ўтган йиллар бесамар кечмади, қанчадан-қанча кишиларнинг корига ярадик. Ҳуқуқлари топталганларни ҳимоямизга олиб, адолатни тиклашга ҳаракат қилдик.

«Саловат» фирмаси бошлангич касабга уюшма кўмитаси раиси Венера автоҳалокатта учраб вафот этганида, кенгаш раиси унинг оиласи ёнида туриб ҳамдард бўлди, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Касабга уюшма аъзоси Маъмура Тошматова иқтисодий жиҳатдан танг аҳволда қолганида, унинг дардини аритишда кўмаклашди. Ногирон укасининг хонаси маҳалла фуқаролар йиғини томонидан таъмирлатилди. Туман ҳокимияти тўйхона ва санъаткорлар муаммосини ҳал қилди. Зиёда эса касабга уюшма ҳисобидан келин сарпоси учун 500 минг сўм миқдоридида маблағ ажратишга муваффақ бўлди. «Миркомилов» МЧЖ корхонасида бош ҳисобчи вазифасида ишлаган Г. Дўстму-

ўтказди. Қиш мавсумида «Чимён» тоғидаги чанги учашорлар ҳам унутилмас таассуротлар қолдирди. Оқтошдаги «Соғдиана сойлик» болалар оромгоҳида меҳнат аҳлининг 49 нафар ўғил-қизи маъза қилиб дам олди. Баркамол авлод йили ва Мустақиллик байрами муносабати билан туманлараро ўтказилган оилавий «Барчиной» ва «Алпомиш» мусобақаларида 50 дан зиёд ишчи-ҳодим фаол иштирок этди. 15 нафар хотин-қиз спортнинг шахматшашка, волейбол, стол теннис, энгил атлетика турларида ўз маҳоратини синаб кўрди.

Жорий йил ўтган йилдан-да мароқлироқ ўтмоқда. Кенгаш 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастурига асосан изчил фаолият юритяпти. Жумладан, тармоқдаги кичик бизнес ва тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тadbиркорларнинг ижтимоий ҳимояси кун тартибидаги долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Мавжуд жамоа шартномалари ва келишувлари орқали кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар сотиб олиш мақсадида сарфланадиган маблағларнинг

устоз ҳақида гап кетганида, беихтиёр кўз олдимга Темур Курбонов келади.

Ўз даврида тоғни урса талқон қиладиган забардаст инсон эди у. Кечагидай ҳамон эсимда. Домламик мактабга раҳбар бўлганларидан сўнг аҳвол кескин ўзгарди. Дарслар аниқ кўргазмали қуроллар асосида ўтилар, танаффусларда ширин чой ва печенье бериларди. Толиққан ва очиққанимизда бу ҳол моддий ва маънавий кўмак бўларди. Кўргазмали дам олиш соатлари ҳам жуда қизиқарли ўтарди. Мактабимизда ўтадиган мўъжаз концертларни ҳам сира унутолмайман. Намоз Ўринов, Эргаш Қосимов, Эломон Бердиев, Турдикул Соҳибов, Маманазар Тўйчиев сингари дўстларимиз доира, ғижжак, рубоб, тор чалиб дурустгина кўшиқлар куйлашар, бу

бизга олам-олам завқ-шавқ берарди. Қишлоғимизнинг илк ҳаваскор санъаткорлари шу тарзда шаклланди.

Темур домла талай бог-роғларни бунёд этишда ҳам фаол иштирок

аямасдан кесилган ва шакл берилганди. Қизиқсиниб, эртасига яна шу йўлдан юрдим, ниятнинг холислигини қаранги, домланинг ўзини учратиш қолдим. У киши мактабга бора-

са, унинг илдизи бақувват тортиб умри узаяди, мевалари йирик-йирик бўлади. Шу аснода дарахт ёшари боради ва кейинги йилда ундан янги-янги новдалар ўсиб чиқади. Ана шунда маъқули қолдирилиб, ортиқчаси кесиш ташланади. Айтгандай, отанг уста боғбон эди, ўзингда ҳам мевали дарахтлар кўпдир?

Мен устозга сув танқислигидан дарахт тагига кўза кўмиб, отам катта қилган ўн иккита ток, беш турдаги асл олма, анжир, саккиз туп бодом ва ўзим етиштираётган ўттиз туп шафтоли, йиғирмадан зиёд зардоли дарахтлари ҳақида гапириб бердим.

Устоз завқланди, отамни мақтади. Сўнг эса ниҳоллар парвариши ҳақида сўзлаб, албатта, тут ҳам экинни тайинлади.

Алланазар ШОМИРЗАЕВ
Миришкор тумани

Сабоқ

этди. Айни пайтда 90 ёшни қоралаб, кексалик гаштини сурмоқда. У қилган эзгу ишлар, сабоқлар биз шогирдларнинг умр йўлимизда йўлчи юлдуз бўлаётир.

Бир куни устознинг уйи ёнидан ўтаётиб, унинг ҳовлисидаги дарахтлар эътиборимни тортди. Улар


ётганини айтди, ҳамроҳ бўлиб, йўл бўйи гурунглашиб кетдик.

Ҳовлисидаги дарахтларни кесиш, нега шакл бериш сабабини сўрадим. У мийиғида кулимсиради.

— Дарахт шохлари тарвақайлаб ҳар тарафга бетартиб ўсиб кетганида, гоҳ-гоҳ кесиш, шакл бериб турил-

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

**Юрtdошларимиз
ва соҳа
ходимларини
Истиқлолнинг
20 йиллиги
билан
чин дилдан
қутлайди.**



Юртимиз раванқига ҳисса қўшиб келаётган
саховатпеша халқимизнинг соғлиғи, ижтимоий-
иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя
қилишдек шарафли ишларида касаба уюшма
ташкilotларига улкан муваффақиятлар тилайди!

Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Улуғ байрам – Мустақилликнинг
20 йиллиги билан юрт саломатлиги
йўлида фидойилик кўрсатаётган тиббиёт
ходимларини ҳамда барча
юрtdошларимизни муборакбод этади.
Истиқлол туфайли раванқ топаётган
юртимизга тинчлик, осойишталик,
халқимизга фаровонлик, ёшларимизга
баркамоллик тилайди.



Байрам барчамизга
муборак бўлсин, азиз
юрtdошлар!

Туман тиббиёт бирлашмаси касаба
уюшмаси қўмитасига 23 та касалхона
бўлимлари, 28 та ҚВП, 1 та туман
ДСЭНМ, 1 та саломатлик маркази, 1 та
кўп тармоқли марказий поликлиника, 4
та хусусий шифохона, 3 та хусусий ап-
текада ишловчи 2430 нафар ходим аъзо.
Уларнинг 1320 нафари хотин-қизлардир.
Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий,
ҳуқуқий ҳимояланиши, уларни соғлом-
лаштириш, иш ва дам олиш шароитла-
рини яхшилаш, фарзандларига ғамхўр-
лик қилиш доимо диққат марказимизда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилли-
гида жамоа шартномаси талабларини
бажариш учун 4 млн. 200 минг сўм
сарфланди. Ватанимиз бўйлаб саёҳат
уюштириш учун 3 млн. 300 минг сўм, кам
таъминланган аъзоларга 830 минг
сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатил-
ди. Болажонларнинг дам олиши учун 1
млн. 200 минг сўм сарфланди.

Бугунги кунда туманда замонавий тип-
да қурилган 28 та қишлоқ врачлик пункт-
ларида ишловчи врачлар, малакали тиб-
биёт ходимлар аҳоли саломатлигини му-
ҳофаза қилиб келмоқда. Мустақиллик
йилларида «Саломатлик-2» лойиҳалари
асосида Осиё тараққиёт банки ва бошқа
бир қатор банклар томонидан қишлоқ
врачлик пунктларига 150 млн. сўмдан
ортиқ маблағ эвазига тиббий жиҳозлар,
асбоб-ускуналар олиб берилди.


Тиббиёт соҳасида рақобат кучайди.
Туманда мавжуд давлат тиббиёт муас-
сасалари билан рақобатлашадиган 4 та
нодавлат тиббиёт муассасалари фао-
лият олиб бормоқда. Касаба уюшма
аъзолиги афзалликларини тарғиб
қилиш мақсади йўлидаги саъй-ҳаракат-
лар натижасида уларда ишловчи юз на-
фар ходимни ҳам касаба уюшмасига
аъзо қилиб олишга эришдик.

Нодир ҚАЗОҚОВ,
Ромитан туман тиббиёт
бирлашмаси касаба уюшма
қўмитаси раиси

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Соҳа ходимлари ва барча юртдошларни энг улуғ ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан муборакбод этади.

Ҳаммага сиҳат-саломатлик, узок умр, Ватан бахт-саодати йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди. Хонадонингиздан файзу барака аримасин, бошлаган ҳар бир ишингиз хайрли ва омадли бўлсин!



«Ситораи Моҳи-Хоса» санаторийси МЧЖ раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси!

Серкуёш юртимиз аҳолисини, унинг меҳмонларини улуғ байрам – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этади!

Жаҳонда шон-шухрати ошиб бораётган мамлакатимиз фуқароларига сиҳат-саломатлик, фаровон ҳаёт, бахт-саодат, келгусидаги бунёдкорлик ишларида улкан муваффақиятлар тилайди!

Улуғ байрам қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

«Ситораи Моҳи-хоса» санаториймиз иқлимий ва бальнеологик курорт, у Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 метр баландликда. Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасида Бухоро Амирининг собиқ қароргоҳи ҳудудидаги сўлим бир масканда жойлашган.

Даволаш омиллари: иқлими ва сульфат-хлорид, натрийли маданли суви ҳисобланади. Улар буйрак, асаб тизими, ҳаракат таянч ва ҳазм аъзолари касалликларида қўлланилади.

Санаторийда замонавий ташхислаш ва даволаш хоналари, физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ билан даволаш, жисмоний тарбия, уқалаш, умуртқа чурраларини даволаш, фитобар, урологик ва андрологик касалликларни даволаш ҳамда парҳезли авқат-лантириш соғлигингизни тиклаш мақсадларига хизмат қилади.

Санаторийда дам олувчиларнинг бўш вақтларини марокли ўтказишлари учун кутубхона, кинотеатр, рақс ва спорт майдончалари ҳамisha хизматда. Шунингдек, бугун дунёга машҳур Бухоронинг диққатга сазовор жойларига ҳам мунтазам равишда саёҳатлар уюштирилади.

Биз сизларни кутамиз!

Манзилимиз: «Ситораи Моҳи-хоса» санаторийси МЧЖ,
индекс: 200126

Бухоро шаҳри, Моҳи-хоса даҳаси, Шифокорлар кўчаси 30-уй.

Телефонлар: (8-365) 228-50-66, 228-50-26, 228-50-88. www.sitora.bv.uz

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши

Тармоқ ходимлари ва серқуёш
юртимиз аҳлини Ўстиқлол айёми
билан самимий табриқлайди.
Кўнгилларга бурур ва сурур
бағишлаб келадиган
Мустақиллик байрами асрлар оша
давом этаверсин.
Юртимиз тинч, халқимиз ҳаммиса
соғ-омон, фарзандларимиз
баркамол бўлсин. Шарқда машъал
Ўзбекистонимизнинг шон-шухрати
жаҳон узра янада
кенгроқ таралсин!



Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Мамлакатимиз халқини ва соҳа
ходимларини Мустақиллигимизнинг
20 йиллиги байрами билан самимий
муборакбод этади.
Хонадонингиздан тўкинлик ва файзу
барака аримасин. Мустақиллик
насимлари ҳар бир оилага қувонч,
бахтиёрлик ҳамда юртимизнинг
гуллаб-яшнаши учун янада янги
имкониятлар олиб келаверсин!
Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!



«ШОХАНД САНАТОРИЙСИ»

**шўъба корхонаси маъмурияти
ва касаба уюшма кўмитаси**

*Ўзбекистон халқини, айниқса, ҳаётини эл
саломатлигидек эзгу ишга бағишлаган тиббиёт
ходимларини энг азиз ва энг улуғ байрам –*

Мустақилликнинг 20 йиллиги

билан муборакбод этади.

*Ватан тараққиёти йўлидаги эзгу ишингизга омад,
хонадонингизга фойзу барака тилайди!*

«БЎСТОН САНАТОРИЙСИ»

**масъулияти чекланган жамияти
маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси**

Ушбу қувончли лаҳзаларда тармоқ ходимлари

Ва халқимизни Истиқлолнинг 20 йиллиги

байрами билан самимий муборакбод этади.



*Энг улуғ, энг азиз байрам муносабати билан уларга сиҳат-саломатлик, фаровон
турмуш ва эл-юрт ободлиги йўлидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайди!*

Тошкент вилояти қасаба уюшма ташкilotлари бирлашмаси

*Меҳнаткаш халқимизни
Юртимиз мустақиллигининг*

20 йиллиги


билан қутлайди.

*Дилингизни Ватанга чексиз
муҳаббат ва масъулият ҳислари
тарк этмасин.*

*Барчамизга оилавий
хотиржамлик, мустаҳкам
соғлик, бунёдкорлик
шижоати ёр бўлсин!*



Ўтган асрнинг 80-йиллари боши. Ўзбекистон Фанлар академияси собиқ Кўлёмалар институти қошидаги Адабиёт музейи мудирини бўлиб ишлардим. Бир куни музейга Пирмат Шермухамедов кириб келди. Кутилмаган ташрифдан шошиб қолдим. Пирмат ака дарров мақсадга кўчди: Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асари керак экан. Китоб бору аммо томоша залидан уни олиш мумкин эмасди. Қондани бузиб, китобни олдим-да, Пирмат акага тутқаздим. «Бу одам замонавий адабиётнинг йирик мутахассиси бўлса, мумтоз адабиёт билан шуғулланишга нима зарурат бор экан?», деб ўйладим. Орадан анча йиллар ўтди. П.Шермухамедов «Хумоюннома»дан бошлаган мақсадларини амалга ошира борди. Улуғ ишлар учун толмас сабот, тинимсиз меҳнат керак. Бунга иштиёқ ҳам кўшилса, натижа кўнгилдагидай бўлади. Бунинг исботини Пирмат ака ижодида кўриш мумкин. Кейинги йилларда Беруний, Замахшарий ва бошқа қатор алломалар ҳақида битган асарлари халқимиз онгу шуурини ёритиб келмоқда.



Тарих қабридан

ТАРАЛГАН ШУЪЛА



«Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили» китоби Пирмат Шермухамедовнинг ҳам олим, ҳам адиб сифатидаги салоҳиятини янада ёрқинроқ юзага чиқарди. Муаллиф асарини «илмий-маърифий қисса» деб атади. Бу жанр ўзбек адабиётида учрамайди. Фақат айрим тарихий асарларда жанр излари бор. Аммо барибир савол тугилади: «илмий-маърифий қисса» атамаси жанр нуқтаи назаридан ўзини оқлайдими? Китобга салмоқли сўнгги сўз ёзган Қозоқбой Йўлдош ҳужжатли наср деб аташни маъқул кўради. Назаримда, бундай асарларни адабий турдан ташқари шакллар деб аташ кераклигини адабий жараён тақозо қилмоқда.

Пирмат Шермухамедов қисса бошланишиданок Муҳаммад Хоразмий тўғрисида асарнинг ёзилишига туртки бўлган сабаб ва омилларга тўхталади. Табиийки, ижодкорнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ равишда юзага келган асарда табиийлик устун бўлади, лавҳалар хотирада муҳрланиб қолади. Муаллиф асарда Хоразмийнинг маънавий оламига чизгилар қилиш ва шу орқали шарқона ахлоқни намойиш қилишни мақсад қилган. Шу боисдан асосий урғу Хоразмий ёки бошқа қахрамонларнинг бадий образини чизишдан кўра, уларнинг ижтимоий фаолиятига эътибор қаратилади, алломанинг образи ижтимоий фаолиятдан келтириб чиқарилади. Дарвоқе, ижтимоий фаолият қахрамонларнинг ўзлигини, қиёфасини намойиш қилиш учун муҳим омил: «**керакли ўзанга йўналтирилмаган онг, шуур, куч-қудрат гўё биқик ва нурсиз жойда ўсган чечак сингари беранг ва тароватсиз бўлади. Масалан, дейлик, ўша барчани ҳаяжонга солган «зойижа» ту-**

зиш воқеаси...» Мана шу лавҳанинг ўзиёқ Хоразмий мақсадларининг ифодаси дейиш мумкин. Маърифий қиссани агар алоҳида жанр сифатида эътироф этадиган бўлсак, бунинг асосий белгиси сифатида қахрамоннинг ижтимоий фаолиятига урғу берилишидир, деб эътироф этиш керак бўлади. Зотан, «катта асарнинг индивидуал белгилари жанр белгиларига айланади» (В.М.Жирмунский). Қахрамоннинг, хусусан, Хоразмийнинг руҳий ҳолати тасвири қиссадаги муҳим жиҳатлардан биридир. Муаллиф руҳий тасвир билан ички кечинмани шундай уйғунлаштирадики, Хоразмийнинг бутун ҳолати худди театрдаги пантомима сингари, комбинациялашган ишорага айланади: Муҳаммад Хоразмийдаги ватан соғинчи ҳатто оилани тарк этишга мажбур қилмоқда. Она юртга қайтиш режасини тузаркан, хаёлида қуюндай чарх ураётган фикрларини жамлай олмасдан: «Мабодо мен Хоразмга қайтмоқ тадоригини кўрмоқдман десам... Бутунлай... Англаймисан... Сен падарингга ҳамроҳ бўлармисан?». Тасаввур қилинг: фарзанд билан айрилиқ ва она юрт соғинчи қурашяпти. Қай бири устун? Иккаласи ҳам барабар, иккови ҳам жондан азиз. Қахрамон ҳолатининг тасвири бундан-да дардли, ҳаяжонли бўлиши мумкинми?! Ҳолатни бу сингари индивидуал тарзда кўриш ва ҳис қилиш адибнинг оригинал усули деб баҳолашга лойиқ. Шу биргина лавҳа таҳлили адабиётнинг чексиз тасвир имкониятларга эғалигини, сўз ёрдамида инсон савиясига мос ҳамма нарсага аниқлиги мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Қисса ўн етти фаслдан иборат. Ҳар фаслда Хоразмийнинг бир қирраси очилади. Хусусан, иккинчи фаслда «Байтул-ҳикма» раиси, ёши ўтиб қолган, донишманд Муҳаммад Хоразмий билан ёш муҳаддис Имом Бухорийнинг учрашув лаҳзаси, ҳар икки алломанинг суҳбатидан ҳадисшуносликда бир-бирдан қолишмайдиган зукко шахсиятлар эканлиги китобхонга англашилса, учинчи фаслда устоз Сулаймон ибн Исмоил билан Хоразм мамлакатига барча, жумладан, Хоразмшоҳ Мансур ибн Абдулланнинг эътирофини қозонган ёш Муҳаммаднинг устоздан ўтиб бораётган шогирд эканига гувоҳ бўламиз. Айтмоқчиманки, изчиллик бор, кекса донишманд Муҳаммад Хоразмий билан ҳар

бир сўз ва ҳаракатида истеъдод барқ уриб турган Муҳаммаднинг фаолиятида мантиқий боғланиш бор. Бадий мазмун ва мантиқ, ҳатто сўз ва товушлар қурилиши ҳам ана шу ижодий концепцияга хизмат қилади. Масалан, иккинчи фаслда Имом Бухорийга дарвеш айтган ҳадис Муҳаммад Хоразмийга нисбат берилгани учун, Бухорий Хоразмийни излаб Бағдодга келади. Биттагина ҳадиснинг тўғри ёки нотўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар иккаласининг суҳбати, бир томондан, Хоразмийнинг ўзлигини англаштиришга, унинг алломайи замон ва ҳадисшуносликда мавқеини кўрсатишга, иккинчи томондан, Имом Бухорийнинг ҳадисшуносликда Шарқ оламида тенгсиз эканлигини китобхонга етказишга хизмат қилган. Бу Пирмат Шермухамедовнинг қисса шундай яратилиши керак, деган мажбуриятдан эмас, балки адабиёт, китобхон олдидаги масъулиятдан иборат.

Пирмат акада мавҳум ғоя ва ақидаларга мойиллик, бўрттириш йўқ. Аниқ далил, мухтасар сўз — унинг аъмоли. Айни пайтда воқеалар тўмтоқ бўлиб қолмаслиги учун адиб халқона бир усулни танлайди — ривоят ва афсоналарни қиссага олиб кириб, китобхон аудиторияси хайрихоҳлигини назарда тутаяди, интонацияни ўзгартиради, ривоятларга хос сўзлар билан безайди. «Хорут билан Морут», «Асҳоби Каф» ривоятларидан, юқорида айтганимиздай, Робиянинг тақдири билан боғлиқ воқеалар баёнида эртақлардан, хусусан, «Минг бир кеча»дан унумли ва ўринли фойдаланади. «Минг бир кеча»дан канизак воқеасини келтирар экан, китобхон диққатини қиссага тортиш билан бирга, фавқулоддаликни ҳам юзага чиқаради, воқеаларни таранглаштиради. Бунинг жонли намунасини яна олтинчи фаслда кўрамиз: «Байтул-ҳикма» раиси лавозимини эгаллаган Аҳмад ибн Умар ва Абу Машъар Балхийнинг хуфиёна топшириғи билан Хоразмийни заҳарлаб ўлдирishга уриниш лавҳаси бор. Бу лавҳа стилизация, яъни эртақларнинг баён усули, хусусиятини бадий асарга олиб киришдир. Бу воқеанинг якуни ҳам эртақона: фитна фош бўлади. Деярли ҳар бир фаслда реминисценция бор — Хоразмий ўтмиш воқеаларни эслайди ва ҳаётининг маълум бир қирраси билан боғлайди.

Қиссада «Байтул-ҳикма» тарихи алоҳида қизиқиш билан ўқила-

ди. Одатда тарих салтанатлар, шахсиятлар, жангу жадаллардан иборат бўлади. Қиссадаги «Байтул-ҳикма» тарихи ичида эса ҳаммаси — салтанат ҳам, шахсиятлар ҳам, жангу жадаллар ҳам мужассам. Хоразмийнинг жаҳон илм-фани тарихига қўшган улкан мероси ҳақида қатор лавҳалар бор. Птолемей ва Хоразмийнинг географик асарлари қиёслаб таҳлил қилинган ёки фикҳга оид, «Алжабр», «Сурат ал-арз» каби илмий асарлари юзасидан баҳс қилинган лавҳаларни айтиб ўтиш мумкин. Хоразмий нафақат олим, балки бағри кенг, буюк шахсият эканини кўрсатиш учун муаллиф қизиқарли лавҳалардан фойдаланади. «Байтул-ҳикма» хаттоти Абдуллоҳ ибн Адҳамнинг жазоланиш лавҳаси Хоразмийга нисбатан китобхоннинг муҳаббатини яна бир бор уйғотиш учун киритилган. Абдуллоҳ ибн Адҳам, қоидага зид равишда, Хоразмийнинг «Зиж»идан яширинча бир нусха кўчириб, рум савдогарларига пулламоқчи бўлади. Воқеадан хабар топган ҳукмдор Муътасим хаттотни хиёнаткорликда айблаб, қатл қилишга фармон беради. Аммо Хоразмийнинг илтимоси билан Муътасим қатл тўғрисидаги фармонини хаттотнинг қўлларини кесишга ўзгартирди. Бу лавҳадан яна шунинг англаш мумкинки, биринчидан, олдинги халифа Маъмун билан «беқарор, жиззаки, кеча қабул қилган қарорини бугун сира ҳам иккиланмасдан бекор этаверадиган» халифа Муътасимни солиштириш имкони бўлади; иккинчидан, халифалик ичидаги жаҳолат, кирлик, фитнани Муътасим тимсолида кўрсатмоқчи бўлган; учинчидан, Хоразмий халифаликни Маъмундан кейинги ҳимоячиси сифатида кўрсатади.


Қиссада умумий воқеа оқими-га боғланмаган айрим саҳналар ҳам бор. Масалан, ўн учинчи — «Жигарранг каптар» фасли шундай таассурот қолдиради. Хат ташувчи каптар билан боғлиқ воқеаларнинг Хоразмийга алоқаси йўқдай. Бунинг устига, эртақнамо воқеа китобхонни ишонтира олармикан. Бошқа фаслларда ҳам китобхонни жалб қилмайдиган лавҳалар бор. Ушбу жузъий камчиликларга қарамай, «Муҳаммад Хоразмийнинг сўнгги манзили» ўзбек адабиётида янги жанрнинг яшовчанлигини кўрсатиб берди.

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Қалбларга гурур ва сурур бағишлаб
келаётган энг улуг ва энг азиз байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг

20 йиллиги муносабати билан
касбдошларимизни, баркамол авлодни
тарбиялаб, уларни фан чўққилари сари
бошлаётган устоз-муаллимларни, барча
юртдошларимизни муборакбод этамиз!



Муборак айёмда
Сиз азизларга сиҳат-
саломатлик, хушқайфият,
ишларингизда зафарлар ёр
бўлишини тилаб қоламиз!
Улуғ ниятлар ҳамиша
хамроҳингиз бўлсин
азизлар!

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши

Эл саломатлиги йўлида фидойилик
кўрсатиб меҳнат қилаётган тиббиёт
ходимларини, барча юртдошларимизни
энг улуг ва энг азиз байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг қутлуғ 20 йиллиги
билан қутлаймиз.

Истиқболи порлоқ мамлакатимиз
халқига сиҳат-саломатлик, аъло
қайфият, оилавий бахт-саодат,
яратувчилик ишларида
муваффақиятлар тилаймиз.



Байрам сурури пок қалбларда
ҳамиша жўш ураверсин!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «SALOMATLIK MARKAZI» МЧЖнинг 2011 йил 10 августдаги 29-сонли хатига асосан, «SALOMATLIK MARKAZI» МЧЖга тегишли Тошкент вилояти Қибрай тумани, Ўнкўрғон кўчасида сақланаётган, «Нексия» русумли, давлат рақами 10 477 НАА бўлган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 8 719 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 15 сентябр кунни соат 12:00да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 15 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ушбу автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 19 ва 26 сентябр кунлари соат 10:00да

бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Савбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А»уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Ёнгин хавфсизлиги соҳасига оид ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилиши ҳолатлари билан боғлиқ масалалар бўйича ЎЗР ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қўйидаги ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ЎЗР ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси
8-371-234-01-09

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ	8-361-223-19-86
Андижон вилояти ИИБ ЁХБ	8-374-222-21-73
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ	8-365-222-82-85
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ	8-372-223-56-10
Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-375-221-14-64
Навоий вилояти ИИБ ЁХБ	8-436-770-25-73
Наманган вилояти ИИБ ЁХБ	8-369-226-31-38
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ	8-366-233-51-00
Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-376-223-21-48
Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ	8-367-225-40-58
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ	8-371-261-64-36
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ	8-371-234-50-98
Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ	8-373-224-38-17
Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ	8-362-227-24-11

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси (РКТАСБ) Тошкент филиали сизга шуни маълум қиладики, юридик манзил ўзгарганлиги сабабли «Ishonch» газетасининг 23.07.2011 йилдаги № 92-сон, «Ishonch-Доверие» газетасининг 29.07.2011 йилдаги № 31-сон, «Туркистон» газетасининг 27.07.2011 йилдаги № 60-сонларида эълонга берилган, кимошди савдоларига қўйилган барча автотранспорт воситалари кимошди савдоларидан олинди.


Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

Кўшиқ айтмоқ — дунёга эзгулик сочмоқдир. Президентимиз айтганидек, муסיқа аталмиш мўъжизада шундай бир сеҳр мужассамки, уни тушуниш, таъсирини сезиш учун ҳеч қандай таржимоннинг кераги йўқ. Кўшиқ ўз моҳияти билан кўнгил ва руҳни қувватлантириб, тингловчи дунёқарашини шакллантиради. Айниқса, она-Ватан, истиқлол ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий мукамал кўшиқлар ҳар қандай инсоннинг кўнглини ажиб туйғуларга тўлдириб, хайрли ишларга ҳавас ва рағбат уйғотилади. Кўшиқ айтган одамда она-Ватанга, табиатга муҳаббат кучли бўлади.

— Халқимиз қалбида санъатта ихлос ва рағбатдан ташқари катта истеъдод қирралари яширинганига Ўзбекистон касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида ўтказиб ўтган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси, санъат фестивали ташкилий кўмитасининг масъул котиби Эйтиборхон Раҳмонова. — Мустақиллик туйғуларини тикланган қадриятларни эъозлаш, меҳнаткашларнинг санъатга қизиқишини ўстириш, иқтидорини намойиш этиш, уларни бадиий ҳаваскорлик жамоаларига кенг жалб этиш орқали бўш вақтини қизиқarli ва мазмунли ташкил этиш мақсадида ушбу санъат фестивали ҳар икки йилда ўтказиб келинмоқда. Унда юрт тинчлиги, истиқлоли ва истиқболлини кенг тарғиб этаётган касаба уюшмалари бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва якка ижрочилар ҳамда



«ЎЗБЕКISTON, СЕНИ КУЙЛАЙМАН»

корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган санъат ихлосмандлари қатнашади.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан бу йилги фестивалнинг ҳар бир босқичи ўзига хос ва катта тайёргарлик билан ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари томонидан уч босқичда ўтказилган фестивалда 200 мингдан зиёд ҳаваскор ижрочилар иштирок этди. Айниқса, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган фестивал ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетди. Ишчи-хизматчиларнинг кенг қатлами жалб этилгани анжуман нуфузини янада ошириб, оммавийлигини таъминлади.

Вилоят босқичларида ғолиб топилган 55 жамоа ва якка ижрочилардан иборат 200 га яқин иштирокчи Республика босқичига тавсия этилди. Якуний босқичда мақом, анъанавий ижрочи-


лик (кўшиқ, катта ашула), эстрада кўшиқчилиги, якка чолғу ва ансамбл ижрочилиги ҳамда якка ва жамоа рақслари ижрочилиги йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати қарорига асосан касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасидаги «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалининг Республика босқичи жорий йилнинг 8-9 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади. Фестивални ўтказиш бўйича ташкилий кўмитага санъат анжуманини ҳар томонлама мукамал, юқори савияда ва байрамона руҳда ўтказиш топширилди. Касаба уюшмалари Марказий, ҳудудий кенгашлари бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокини таъминлайди.

— Бу йилги санъат фестивалимиз Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналарига уйғун тарзда ўтаётгани билан янада аҳамиятлидир, — дейди Э. Раҳмонова. — Шу боис унга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Ижро этилаётган кўшиқлар матнининг бадиий мукамаллиги ва таъсирчанлиги, куйларнинг миллийлиги ва ўзига хослиги, энг муҳими, она-Ватанга, юртга садоқат, келажакка ишонч ғоялари нечоғли таъсирчан ифода этилганига жиддий эътибор қаратилди. Ғолиб ва иштирокчилар касаба уюшмалари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг санъат фестивали она-Ватан ва истиқлолни тараннум этувчи чинакам санъат байрамига айланиши шубҳасиздир.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири



Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан юртимизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.



Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги сўлим гўшалардан бири — Авлиё ота қишлоғи ва бу ерда жойлашган Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳида ҳам ана шундай ободонлаштириш тадбири ўтказилди. Ушбу хайрли тадбирда барча бирдек иштирок этиб, зиёратгоҳнинг янада обод бўлишига ҳисса қўшишди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ёз-2011

ОТА-ОНАЛАР МИННАТДОР

Ташлоқ туманидаги Заркент қишлоғида жойлашган «Оқ олтин» болалар оромгоҳида дам олувчилар учун барча шароит яратилган. Бу ерда мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ташкил этилган турли маданий-маърифий тадбирлар шулар жумласидандир.

— «Ёш томошабинлар театри», «Рақс», «Ёш қаламкашлар», «Ёш табиатшунослар» ҳамда бир неча спорт тўғараклари ишлаб турибди, — дейди оромгоҳ раҳбари Файратхон Эшматов. — Болаларни мароқли ҳордиғини кўрган ота-оналар билдирган миннатдорлик биз учун энг катта муқофотдир. Якуний босқичда 165 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда.

Халқ таълими бўлимига қарашли ахборот ресурс марказининг кўчма кутубхонаси тақдим этган 400 дан зиёд турли адабиётлар ёш китобхонлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Шовот туман кенгаши раиси Ибрагим Ҳасановга акиси

Садулла ҲАСАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Ishonch» газетасининг собиқ масъул котиби Турғун Назаровга умр йўлдоши

Шоҳида НАЗАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



oliy baxt

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bizga kungirok kiling:

Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Вилоят мухбирлари:

Андижон + 99897 465 05 68;
Бухоро + 99893 653 50 81;
Жиззах + 99872 360 00 10;
Навоий + 99893 725 46 40;
Наманган + 99897 491 79 27;
Самарқанд + 99866 933 25 04;
Сурхондарё + 99897 458 05 07;
Фарғона + 99891 679 32 79;
Қашқадарё + 99897 414 30 78
Қорақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақланган.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табақ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг
сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда
«Ishonch»дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар h белгиси остида
чоп этилади.

E-mail: ishonch
2011@gmail.com

«Шарк» нашриёт-
матбаа
акциядорлик
тоштакисси
босмахонасида
чоп этилди.
Корголов манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.
ISSN 2010-5002
972030500004

Навбатчи муҳаррир:

Ж. Шарофбоев

Навбатчи:

А. Арслонов

Мусахҳиҳ:

С. Шодиева

**Саҳифаловчи-
дизайнер:
Ҳ. Абдужалилов**

**Босишга топшириш
вакти - 21.00
Топширилди - 21.00**

Буортма Г— 811

Тиражи: 13617

1 3 4 5